

ШАРТНОМА
ЖАМОАГА
НИМА
БЕРДИ?

2

ЯНГИ
ЎЗБЕКИСТОН
ПАСПОРТИ
ҚАЧОН НАШР
ЭТИЛАДИ?

3

СУДЛАРДАГИ
АНТИҚА
САВОЛЛАР

4

2023-yil
29-aprel
shanba
№ 53 (4805)

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси нашри • Газета 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаган

Янги бизнес имкониятлари намоёйиши



Тош-
кент шаҳрида
27-28 апрель кунлари
иккинчи Тошкент халқаро
инвестиция форуми бўлиб ўтди.
27 апрель кун иккинчи Тошкент
халқаро инвестиция форумининг ялпи
мажлисида Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
иштирок этди ва нутқ сўзлади.
Форумда 70 мамлакатдан 2 минг 500 га яқин
бизнес ва молия соҳаси вакиллари қатнашди.
Тадбирлар доирасида хорижлик шерикларга
Ўзбекистон ҳудудларининг инвестиция
салоҳияти ва 160 дан ортиқ йирик
лойиҳалар тақдимот қилинди.
Инвестиция ва савдо
битимларини имзолаш ма-
росимлари бўлди.



ЎЗА фотомухбири Носиржон ҲАЙДАРОВ олган суратлар



Фарғона
вилояти

Мурожаатчига 15212000 сўм тўлаб берилди

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КА-
САБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕН-
ГАШИГА ФУРҚАТ ТУМАНИ ТИББИЁТ
БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ
ШОЙИМБЕК ФИЛИАЛИ НАВ-
БАТЧИ ҲАМШИРАСИ
ГУЛҲАЁТ ТОШПҮЛОВА
МУРОЖААТ ЙЎЛЛАБ,
ИШ БЕРУВЧИ ТО-
МОНИДАН НА-
ФАҚА ТЎЛОВЛАРИ
НОТЎҒРИ ҲИСОБ-КИ-
ТОБ ҚИЛИНАЁТГАНИНИ
БИЛДИРДИ.

Мурожаат Соғлиқни сақлаш ходимлари ка-
саба уюшмаси Республика кенгаши Фарғона ви-
лояти бўйича меҳнат инспектори томонидан ўрганиб
чиқилганда ҳақиқатан ҳам Г.Тошпўлатовага бир йўла
тўланадиган бир марталик нафақа тўлови нотўғри ҳисоб-
лангани маълум бўлди.

Бу ҳолат Фурқат тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Б.Ме-
лиевага тушунтирилди ва бир йўла тўланадиган бир марталик на-
фақа тўловини тўлаш тўғрисидаги кўрсатма хати киритилди. Натижада
Г.Тошпўлатовага 15 млн. 212 минг сўм тўлаб бериш тўғрисида буйруқ
чиқарилиб, пул унинг пластик картасига ўтказиб берилди.

— Касаба уюшмаларининг аралашуви билан мурожаатим ижобий ҳал
этилди. Бундан жудаям хурсандман. Аъзоларни бир сафда бирлаштириб, ҳар
томонлама ҳимоя қилиб келаётган ушбу ташкилотнинг жонкуяр инсонларига
миннатдорлик билдираман, — дейди Гулҳаёт Тошпўлатова.

Равшанжон ФОЗИЛОВ,

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика
кенгашининг Фарғона вилояти бўйича меҳнат инспектори

Касаба уюшма аралашгач...

ХЎЖАОБОД ТУМАНИДАГИ 2-ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА
ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИДА МУДИР ЛАВОЗИМИДА
ИШЛАГАН ЗАРНИГОР МИРЗАКАРИМОВА ЎЗБЕ-
КИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯ-
СИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА МУРО-
ЖААТ ҚИЛДИ.

МУДИРА ИШДАН НОҚОНУНИЙ БЎШАТИЛГАН

Унинг арзида вилоят мактаб-
гача таълим бошқармаси уни иш-
дан ноқонуний бўшатгани қайд
этилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Андижон вилояти кен-
гашининг жисмоний ва юридик шахслар
мурожаатлари билан ишлаш бўйича бош
мутахассиси Муҳаммадjon Куббиев мурожа-
атни ўрганиш жараёнида аризаچи билан тузил-
ган меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат
кодекси талабларига риоя қилинмаганини аниқлади.
Жумладан, ишдан бўшатишга асос бўлган — мактабгача
таълим бўлими ишчи гуруҳи аниқлаган камчиликлар ди-
ректор томонидан 9 кун аввал бартараф этилган. Қолаверса,
болалар боғчаси раҳбари фаолияти давомида бирор марта ички
тартиб-қоида бузилмаган.

Бу ҳақда вилоят мактабгача таълим бошқармасига тақдимнома ки-
ритилди. Ўз вақтида жавоб бўлмагач, судга мурожаат қилинди.
Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судида мазкур иш
қўриб чиқилганда, З.Мирзакаримованинг хатти-ҳаракатларида ички
меҳнат қоидаларини бузганлик ҳолатлари исботини топмаган.
Аксинча, иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилиги бузилган-
га ойдинлик киритилди.

Адолат қарор топди. Суд ҳукми билан болалар боғчаси
мудириси лавозимига тикланди ва 2 ойлик иш ҳақи ун-
дириб берилди.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



Азиз газетхонлар!
Сизга «Ishonch»
газетаси
ўз вақтида етиб
боряптими?
Бу борада
муаммолар
бўлса,
телеграмдаги
«Муштарий
минбари»
каналига —
t.me/ishonchmurojaat
манзили орқали
мурожаат қилинг.
Сизнинг
ишончингиз —
биз учун муҳим!

www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz

<https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi>

<https://t.me/ishonchgiz>



Хоразм вилояти



Муҳокама

ШАРТНОМА ЖАМОАГА НИМА БЕРДИ?

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА МАЪМУРИЯТ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ЎРТАСИДА 2020-2022 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАБ ТУЗИЛГАН ЖАМОА ШАРТНОМАСИ БАНДЛАРИНИНГ 2022 ЙИЛДАГИ ИЖРОСИ ВА 2023-2025 ЙИЛЛАР УЧУН ЖАМОА ШАРТНОМАСИНИ ТАСДИҚЛАШГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Анжуманда 178 нафар делегат иштирок этди ва унда университет ректори Баҳром Абдуллаев ва касаба уюшма қўмитаси раиси Кувват Ҳамраевнинг ҳисоботлари тингланди.

Ректор жамоа шартномаси асосида университетда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг меҳнат қилиши ва талабаларнинг ўқиш, яшаш шaroитлари борасида ҳар томонлама қулайликлар яратилгани, жумладан, 2022 йилда ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида икки миллиард тўрт юз ўттиз миллион сўмлик янги замонавий ахборот технологиялар харид қилингани, шунингдек, талабалар учун янги ётоқхона қурилиб, ишга туширилганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Университетнинг барча тизимлари ва бўлинмаларидаги ишлаш, ўқиш, яшаш ҳолиларида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги шaroитларини яхшилаш бўйича 2022 йилда маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида Келишув тузилиб, унда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун олти саккиз миллион саккиз юз минг сўм маблағ сарфланди.

Ўз навбатида, касаба уюшма қўмитаси 2022 йилда ходимлар ва талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси борасида жамоа шартномасида белгиланган бандларни бажаришда ўзининг йиллик иш режаси ва маблағларини сарфлаш сметасига асосан иш олиб борди. Жумладан, университет ходимларининг саломатлигини санаторийларда тиклаш мақсадида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига 126 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. 50 нафар ходимнинг фарзандлари учун ёзи оромгоҳларга имтиёзли йўлланма берилди. Дори-дармон ва давола-нишга муҳтож, кўп болали, ногирон ва боқувчисини йўқотган, кам таъминланган ходимлардан 214 нафарига 121 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Касабақўм ўз ҳисоботида ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар, саёхатлар, спорт мусобақалари ва уларга сарфланган маблағлар ҳақида ҳам ба-тафсил ахборот берди.

Шундан сўнг, универ-

ситет маъмурияти билан бошланғич касаба уюш-маси қўмитаси ўртасида ходимлар ва талабалар-нинг меҳнатини муҳофаза қилиш ва хавфсизлик тех-никаси билан таъмин-лаш ишлари бўйича 2022 йил учун тузилган кели-шув бандларининг бажарилиши ва 2023 йил учун келишув, шунингдек, 2023-2025 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартно-масини тасдиқлаш, касаба уюшмаси қўмитаси тарки-бини қайта кўриб чиқиш масалалари муҳокама қи-линиб, бу борада делегат-ларнинг таклиф ва ташаб-буслари тингланди.

Конференцияда Ўзбекис-тон касаба уюшмалари Фе-дерацияси кенгаши раёсати аъзоси, Темирийўлчилар ва транспорт курувчилари ка-саба уюшмаси Республика кенгаши раиси Қ.Собиров, Ўзбекистон касаба уюшма-лари Федерациясининг Хо-разм вилояти кенгаши раиси Г.Қурбонбоева, Таълим ва фан ходимлари касаба уюш-маси Республика кенгаши-нинг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси М. Раҳимова иштирок этди ва сўзга чиқди.

Конференцияда кўрил-ган масалалар юзасидан те-гишли қарор қабул қилинди.

Муҳаббат ТЎРАБОВА «ISHONCH»

Фарғона вилояти

«Фойдали маълумотларга эга бўлдик»

МАДАНИЯТ, СПОРТ ВА ТУРИЗМ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БИРЛАШГАН ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ТАРМОҚ ТАСАРРУФИДАГИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ЕТАКЧИЛАРИ УЧУН «МЕҲНАТ СОҲАСИДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК АСОСЛАРИ» МАВЗУСИДА ЎҚУВ-СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



Ўқув-семинар

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Ферузахон Абдуллажова янги таҳрирдаги Меҳнат кодекс қозасидан ййигилганларга ба-тафсил тушунтириш бериб ўтди.

Шунингдек, кенгаш меҳнат техник инспектори Мансуржон Ҳа-тамовнинг «Меҳнат муҳофазаси – хавфсиз меҳнат қилиш гарови», Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси раиси Манзураҳон Акрамованинг «Жамоа шартномаси – ижтимоий шерикликнинг асоси» мавзула-ридаги маърузалари катта қизиқиш уйғотди.

– Тадбир биз учун ҳар томонлама фойдали бўлди, – дейди Бу-вайда тумани спорт мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси Му-ножатхон Алимова. – Иш фаолиятиимизда кўп учрайдиган масала-ларга оид маърузалардан муфассал маълумот олдик.

Жамшид ЭРҒАШЕВ «ISHONCH»



Самарқанд вилояти

Дардингни олай, маҳаллам!

Сайёр қабул

БУГУН КЎПЧИЛИК АЁЛЛАРИНИНГ МИННАТДОРЛИГИ ЧЕКСИЗ. САБАБИ, МАРКАЗДАН ОЛИС ҲУДУДЛАР АҲЛИ ҲАМ ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАРДА НАФАҚАТ ЮРАКЛАРИНИ БЎШАТИБ ОЛИШЯПТИ, БАЛКИ МУАММОЛАРИГА ЕЧИМ ТОПИШЯПТИ. МАНА, ҚАРИЙБ БИР ОЙДИРКИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ РАИСИ, ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ СУХРОБ РАФИҚОВ ПАХТАЧИ ТУМАНИДА САЙЁР ҚАБУЛЛАР ТАШКИЛ ЭТМОҚДА.



– Тумандаги бир қатор маҳалла ва чекка қиш-лоқлардаги аёллар дуч кел-лаётган муаммоларни ўр-ганяпмиз, – дейди Сухроб Рафиқов. – Хусусан, «Шамси-назар» маҳалла фуқаролар ййғинидаги мулоқотда ўн-дан ортиқ мурожаатлар ечи-мини топди. «Аёллар даф-тари»га киритилганларнинг Хоразм вилоятига уч кунлик саёхати ташкил этилди.

Фуқаро Эштўхтаев хона-донида электр таъминоти муаммоси юзага келган экан. Унинг мурожаати туман му-тасаддилари билан ҳамкор-ликда ҳал этилди. «Аёллар дафтари»га киритилган Са-нобар Очилованинг сало-матлигида муаммо бор. Унга ҳам муолажалардан сўнг «Зомин» сйҳатгоҳида сало-матлигини мустаҳкамлаш имконияти яратилди. Ўзла-рини тадбиркорлик йўнали-шида синаб кўриш истагида бўлган хотин-қизларга ҳам имконият яратилляпти. Хусу-

сан, учрашувларда Муҳайё Носированинг Гўзаллик са-лони очиш, Дилдора Мах-сиддинованинг тйкув маши-насига, Муҳаббат Ражабова-нинг касб-ҳунарга ўқиши ва микротўлқинли печга эғалик қилиш истаги ўз ижобатини топди.

Ферузбек РАЗЗОҚОВ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилоят кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Пандемия бекор қилинадими?



Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизматининг хабар беришича, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Гебрейе-сус жорий йил бошидан буён COVID-19 қурбонлари сони 95 фоизга камайганини маълум қилган.

Тедрос Гебрейесус, шунингдек, вирус ҳали ҳам хавфли экани ва одамлар ўлимига сабаб бў-лишда давом этаётганидан огоҳлантирди. ЖССТ раҳбарининг таъкидлашича, шу йил коронавирс пандемияси бекор қилиниши кутилмоқда.

Импортда юандан фойдаланмоқчи

Аргентина Марказий банк захираларини сақлаб қолиш билан боғлиқ муаммолар фондида Хитойдан импорт учун тўловни юанда тўлашга ўтмоқда. Бу ҳақда мамлакат иқтисодиёт вазири Сержио Масса ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида маълум қилган.

Шу йилнинг 20 апрель куни Аргентина Республикаси Марка-зий банки қайта молиялашнинг базавий ставкасини уч фоизга оширди. Натижада, асосий ставка 81 фоизгача ошди. Бу 2019 йилнинг сентябридан бери рекорд кўрсаткич ҳисобланади.

Иқтисодий вазият валюта захираларининг қисқариши ва миллий валюта песонинг долларга нисбатан паст курси, шунинг-дек, мамлакатнинг асосий экинлари экспортига таъсир қилган қурғоқчилик туфайли оғирлашмоқда.



Оламда

Мўғулистонда кучли қум бўрони

Хитойнинг «Синьхуа» агентлиги тарқатган хабарларга кўра, Мўғули-стоннинг шарқий Сухбаатар, Хэнтий ва Дорнод аймоқларига кучли қум бўрони ёпирилган.

Мўғулистон метеорология ва атроф-муҳит мониторинги институти хабар қилишича, ҳудудда шамол тезлиги сониясига 24 метрни ташкил эт-ган. Келгусида қум бўрони мамлакатнинг катта қисмини эгаллаши мум-кин.

Мўғулистон фавқулодда вазиятлар бош бошқармаси чорвадорларни яйловларда эҳтиёт чораларини кўришга, ҳайдовчиларни эса йўлларда ҳушёр бўлишга чақирган.

Маълумотларга кўра, мазкур мамлакат ҳудудининг 76,8 фоизи чўлла-ниб бўлган. 2021 йил 14 мартда ҳам Мўғулистон ҳудудининг катта қис-мини қум бўронлари қоплаган эди. Натижада унга яқин киши ҳаётдан кўз юмган, 160 минг бош чорва нобуд бўлганди.



Кунлардан бир кун



«ДАВАЙ» УЧУН ТЎЛАНГАН «ШТРАФ»

Фаргона йўлларида микроавтобус тўла шоир, ёзувчи, мунаққидлар қизгин баҳслашиб борардик. Сухбатга қулоқ солиб, индамай кетаётган Иброҳим Ғафуров гапга қўшилиб, норози оҳангда деди:

– Эшитиб келялман, ҳар гапда бир русча сўз ишлат-яспизлар. Биз адабиётчилар шундай қилгач, бош-қалардан ўпкаламаса ҳам бўлади.

Шунда бир ҳамроҳимиз таклиф киритди:
– Бир гаров ўйнайлик, кимда-ким гапига битта ўрисча сўз қўшса, уч сўм (ўша пайтлар бу катта пул ҳисобланган) штраф тўлайди.

– Давай, ўйнаймиз! – деб юборди Ўткир Ҳошимов. Таклиф киритган дўстимиз хурсанд бўлиб, деди:

– Қани, «давай» учун уч сўм давай. Ўткир ҳам бўш келмади:
– Аввал ўзингиз «жарима» ўрнига «штраф» дега-нингиз учун тўлаб қўйинг.

Ҳазил-ҳазил билан манзилга етгунча бир зиёфат-нинг пули йиғилди. Ўткирнинг «Давай!» деган хитоби сафаримиздаги аскияларнинг бош пайрови бўлди.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

БУВИСИДАН ҚАРИ АЁЛ

Болалар шеърятининг оқсоқоли Қуддус Муҳаммадий ёшлигида Ислоҳ шоир Назар ўғлидан таълим олиб, ҳозиржавобликни пухта ўрганган экан. Бу унга кейинчалик ҳаётда кўп бор қўл келган. Масалан, бир сафар ҳаддан зиёд бўянган бир сатанг аёл оқсоқолга нозланиб дейди:

– Менга атаб бир шеър ёзсангиз-чи, шоир ака.
– Шеър тайёр, – дейди Қуддус оғамиз. – Мана, эши-тинг:

**Замазка, краска, қарагин, юзингнинг бари,
Ювиб ташласанг, бўласан бувингдан қари.**

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

Ҳазил

«ПРАСТОЙ ҚЎШМАЧИ»

– Оббо бобо-ей, шундай қилиб, Тошканни бозор-лаб кетвопман денг?

– Ҳа, шундай, улим. Бир дуварамнинг бошини икки қилиш тараддудида журиппан... Энди ўзларидан сўра-сақ, жўл бўлсин, улим?

– Менми?.. Мен, нима десам экан, шоирман. Қишлоқ ҳаётини, қишлоқликларнинг туриш-турмушини ўрга-ниш учун...

– Э-э, ҳали мен шойирминан гаплашиб кетиб ба-ражатиппанма? Қани, қани, ғазал жазган қўлингизни қайта олиб, қайта кўришип қўййлик эмасам. Уйдаги-ларга роса макташиб борадиган бўппан-да, бир шо-йирди тириклай кўрдим, бир эмас, керак бўлса, икки марта кўришдим, деб. Тошканнан то Қўрғонгача гаплаша келдим, деб. Улар ҳам ўзимизга ўшаган пра-стой одам бўларкан, буниси китоб жазғани келажатқан экан, деб. Телевизирда кўриш бошқа, ўзини кўриш бошқа бўларкан, деб.

– Йўғ-е, унчалик эмас, бобой. Жа ошириб юбор-дингиз. Прастой бўлмасам қишлоқ ҳаётини ўрганиш учун шунча йўл босиб, чанг ютгани борармидим?..

– Тўври айтасиз, шойир улим, тўври айтасиз. Пра-стойликда гап кўп. Бизлар айтар гапимизди эплаб га-пиралмаймиз. Китоб жазиб... Э-ха, Худо сизларга ғойибдан берган-да, улим. Энди шу... китобди қай-тиб жазасизлар? Фаришта-маришталар айтиб турама ё ўзларингиз? Қийинма?.. Ранг-рўйингизга қараганда, қийинга ўхшайди. Сир бўлмаса, айтинг менга, улим...

– Бунинг ҳеч қандай сири – секрет йўқ, бобой. Ми-сол учун, бир йигитни танлаб, унга бир қизни севдира-миз. Бошида қиз бироз қийқиклик қилади. Йигит ҳам бўш келмайди. Охирида уларни ё бир булоқ бўйида, ё маж-нунтол тагида учраштирамиз. Бу ишнинг пишгани. Уни бизнинг тилимизда... Э, барибир, сиз бунақа гапларни ту-шунмайсиз, бобой. Кейин тўй бўлади. Қарабсизки, китоб тайёр. Икки ёш бахтиёр. Тушунарлими, бобой?

– Тушунарли, улим, тушунарли. Унда сизди шойир демасдан, прастой қўшмачи деса ҳам бўлаверар экан-да-а... Тўврима, улим?..

Тўра СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон халқ шоири

ХОТИНИНИ ЧУВ ТУШИРГАН СОТУВЧИ

Тушликдан сўнг хотин эрига
«Бугун тайёрлаган овқатим
сизга ёқдимиз?» деб ял-

Ҳикмат ЭНГ ҚУТЛУҒ ЗИЁРАТ

Бир донишманд «Энг фойдали ва қутлуғ зиёрат нима?» деган саволга шундай жавоб берибди:
– Бойлигинг ёки мартабанг ошиб-тошиб кетса ҳам, омадинг юришмай, гадога айланиб қол-санг ҳам қабрисонга бор. Биринчи ҳолатда ҳовурингдан тушиб, охири келар жойим шу, деб ўзингни босиб олсан, иккинчи ҳо-латда эса тириклар сафида юра-нингга шуқур қиласан ва бун-дан катта таскин топа-сан.



Ҳазо муддатимга яна муддат қўшилиди».
Орадан кўп ўтмай, йигит яна онасидан хат олибди. Унда шундай жумлалар битилган экан:
«Ўғлим, яқинда полициячилар келиб, томорқани бошдан-оёқ ағдариб чиқишди. Энди уша ерга экин экялман».

Ҳасантурди ҚАЖОМОВ,
Тошкент транспорт университети ўқитувчиси

ДАЛДА

– Ютқазганинг яхши бўлди! – деди устоз юзлари мўматалоқ шогирдининг елкасига қоқиб. – Энди яна бир йил кўнглини тўқ қилиб ишлаймиз. Юта-нингда-чи, ҳолимизга маймулар йиғларди... Сен рақибингни танидингми ўзи? Бизга ҳомийлик қил-ган Полвон Паттаевични-чи?..

Йўқ, дейсанми?.. Унда эшит: бокс фақат мушт-лашиш эмас, одамларни таниш ҳам демақдир. Бу сенга мактаб бўлсин! Полвон Паттаевич бизнинг ҳомийимиз «Полвон» фирмаси бошлиғи. Агар у киши қўллаб-қувватламаганида, биз бу мусобақада қатнашолмасдик. Рақибинг эса у кишининг жияни бўлади. Нима?!

Олдинроқ айтсам, яхши жанг қилолмасдинг,



Қизиқчилар бисотидан

ЗАМОНАВИЙ МУҲАББАТ

Валижон Шамсиевнинг айтишича, олдинги муҳаббат билан ҳозиргисининг ўртасида еру осмонча фарқ бор. Илгари йигит йўлини тў-сиб чиқса, қиз «Вой!» деб қочиб қоларди. Эн-ди-чи?.. «Нима дейсан? Гапинг бўлса, тезроқ айт!» дейди.

Бир йигит қизнинг йўлини тўсибди-ю, нима дейишни билмай, талмовсираб сўрабди:

– Қўлингиздан ушласам, нима қиласиз, яхши қиз?
– Нима қилардим, бувимни қақираман.
– О-о-о-о!.. Мабоодо, юзингиздан ўпиб олсам, нима қиласиз?
– Бувимни қақираман.
– О-о-о-о!.. Борди-ю, машинада опқочиб кетмоқчи бўлсам-чи?
– Бувимни қақираман.
– О-о-о-о!.. Нега акангиз ёки отангизни эмас, фақат бувингизни қақирасиз?
– Чунки бувимнинг қулоғи оғир, ҳар қанча қақирганим билан барибир эшитмайди.

тоқланди.
– Яна жанжал чиқаришга баҳона изла-япсанми?... – деди эр энсаси қотиб.

– Вой-бў, тўполонни қара! Ит эгасини танимайди-я!
– Тўғри айтасан, боя сен ҳам мени та-нимадинг.

– Алло, бу диспетчер хизматими?... Ёр-дам беринг, лифтда қамалиб қолдим.
– Тушунарли! Ҳозир уста жўнатамиз. Фақат сиз ҳеч қаерга кетиб қолманг.

– Хўжайин, ўнг томонга қаранг, – деди театрдаги спектакль пайти аёл эрини туртиб, – анави одам шундай ажойиб лаҳзаларда ухлаб ўтирибди-я...

Келинг, бир кулишайлик...

– Эҳ, нодон! – деди эр қаттиқ эснаб. – Шуни деб мени уйғотдингми?..

– «Ревизор» комедиями ёки траге-дия? – сўрашибди дўкондордан.
– Агар у бизга таниш бўлса – коме-дия, бегона бўлса – трагедия!

Дўкон мудри ёрдамчисини қақириб сўради:
– Хўш, янги сотувчи қалай, ишқилиб, ва-зифасини уддалаяптими?
– Бўлмасам-чи!.. Анчадан буён ўтмай ёт-ган матони кеча мактаб-мактаб ўзининг хо-тиниға сотиб юборди.

Ажабо!

ЕР АҒДАРИШНИНГ ҒАРОЙИБ УСУЛИ

Бир аёлнинг ёлғиз фарзанди қамоққа тушибди. Онаизор моддий жиҳатдан жуда қийналиб қолибди. Шу боис томорқасига экин экмочки бўлибди. Лекин ер ағдарилгача кучи етмабди. Бу ҳақда ҳибсдаги боласига ёзиб юборибди.

Ўғли мактубни ўқигач, оғир хаёлга толибди. Ўйлай-ўйлай, онасига ёр-дамлашининг ғаройиб йўлини топибди. Уни рўёбга чиқариш учун уйига қуйидаги мазмунда хат йўллабди: «Онажон, зинҳор-базинҳор томорқани ағдара кўрманг. Акс ҳолда, иккимизга ҳам ёмон бўлади. Энг ачинарлиси, менинг жазо муддатимга яна муддат қўшилиди».

Орадан кўп ўтмай, йигит яна онасидан хат олибди. Унда шундай жумлалар битилган экан:
«Ўғлим, яқинда полициячилар келиб, томорқани бошдан-оёқ ағдариб чиқишди. Энди уша ерга экин экялман».

Ҳасантурди ҚАЖОМОВ,
Тошкент транспорт университети ўқитувчиси




Ўқинг, бу – қизиқ!

ЭЛЕКТРСИМДАГИ ҚУШ НЕГА ЗАРАР КЎРМАЙДИ?

Симга қўнган қуш танаси электр тармоғи янглиғ бўлади, унинг қаршилиги иккинчи тар-моқ қаршилигига нисбатан жуда катта саналади. Шу боис жонивор жисмидаги ток жуда кам бўлиб, унга зарар келтир-майди. Аммо бирор-бир сабаб билан қушнинг қаноти, думи ёки тумшуги ерга тегса ва у орқали ток ўтса, оқибати аянч-ли якун топади – у кўз очиб-юмгунча ҳалок бўлади.

Митти ҳажвия



сенга мусобақанинг қизиғи қолмасди. Кейин мен-дан ўпкалаб юардинг. Муҳими, кўнглингни чўк-тирма, ҳаммаси олдинда. Яхшироқ ҳомий топсак, барчасини ютамиз...

Илҳом ЗОЙИР

Дурдона фикрлар

ЭНГ СОДИҚ ДЎСТ

- Китоблар бизнинг энг сўнгги дўстларимиздир, улар бизни алдамайди, ҳамиша ёнимизда туради, кексайгани-мизда ҳам маломат қилмайди.
- Дуч келганини эмас, танлаб сарасини ўқинг. Дид ва тафаккурингизни тарбияланг.
- Ҳамма китобларни эмас, дилда туғилган саволларга жавоб берадиганларини ўқиш керак. Сизни уйлашга маж-бур этадиган китобларгина нафлидир.
- Бобокалонларимиз китоб топишга қийналишарди, биз эса китоб танлашга қийналяпмиз.

Куласизми, куюсизми?

СУДЛАРДАГИ АНТИҚА САВОЛЛАР

Бу саволлар АҚШнинг Массачусетс шта-тида бўлган судларда адвокатлар томони-дан гувоҳларга, жабрланувчилар ва айб-анувчиларга берилган ҳамда соҳа журна-лида чоп этилган:

– Сизнинг йигирма ёшли ўғлингиз неча ёшда?
– Урушда ким ўлган эди, сизми ёки акангиз?
– У сизни ўлдирдим?
– Сиз бир ўзингизмидингиз ёки ёлғизми-дингиз?
– Машиналар тўқнашган пайтда бир-бирдан қанча узоқда эди?
– Сиз кетгунингизга қа-дар ўша ерда бўлганингиз ростми?
– Сизни бинонинг ичида суратга туши-ришган дамда ўша ерда эдингизми?
– Доктор, мурдани ёр-ган пайтин-гиз юраги у р и ш и н и текширдин-гизми?



Саҳифани Абдунаби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

МУАССИС:



2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston
Matbuot va axborot
agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va
«Ishonch-Doverie»
gazetalarini
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G' OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari),

Mehrididdin SHUKUROV

(Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK

(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalarini hayoti –
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy
qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar
bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

Hududlardagi
muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi –
(+998-97) 506-86-98
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-91) 406-43-24
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati –
(+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-32
Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan
ma'lumotlarda manba
sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

Mualliflar fikri tahririyat
nuqtali nazaridan
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
Z. Rixsiyev

Musahhihlar:
O. Bozorova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullalilov

Bosishga topshirish vaqti – 21:50
Topshirildi – 22:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Ipoteka bank»
Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma 237
Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 31278
16773 nusxasi «Erudit»
MCHJ bosmaxonasida
chop etildi.

Korxona manzili:
Samarqand shahri,
Spitamen ko'chasi, 270-uy.